

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Н.Бувақов

Турк хоқонлиги ва суғдлар (симбиоз ва ассимиляция жараёнлари: тарихшунослик таҳлили)..... 84

АДАБИЁТШУНОСЛИК**Н.Йўлдошев**

Чўлпоннинг бармоқ вазнидаги шеърлари..... 88

Г.Эрназарова

Медитатив шеъриятда тарихий ўтмиш ва аждодлар образининг метафориклашуви (А.Орипов шеърияти мисолида)..... 94

С.Жумаева

Ёрдамчи персонажларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари..... 98

Ҳ.Жўраев, С.Хўжаев

Образ, бадий-фалсафий ният ва ғоявийлик..... 102

А.Тўйчиев

Нурали Қобул ижодига умумий назар..... 106

ТИЛШУНОСЛИК**Ш.Искандарова, Ш.Ганиева**

Тил илмининг етук дарғаси..... 110

А.Мамажонов, А.Абдуллаев

Рамз ва унга ёндош ҳодисалар хусусида 114

Ғ.Хошимов, З.Қўчқорова

“Тўй” концепти вербализаторларининг лингвокогнитив майдони ва лингвокультурологик жиҳатларининг қиёсий тадқиқи 119

Н.Умарова

Навоий асарларида “сўз” концепти..... 126

И.Мадраҳимов

Тасниф – тадқиқотнинг ибтидоси ва интиҳоси..... 130

Д.Мадазизова

Сленг ва унга ёндош ҳодисалар..... 134

А.Саминов

Антитеза ва оксюморон усулларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида..... 138

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Н.Ўринова**

Ижтимоий-психологик тренинглари ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг инновацион технологияси сифатида 142

Ш.Бойханов

Табақалаштирилган таълимнинг талабалар паремиологик компетенциясини ривожлантиришдаги самарадорлиги 147

З.Позилжонова

Маданиятлараро мулоқот тушунчаси ва унинг шаклланиши..... 151

ИЛМИЙ АХБОРОТ**С.Муртазова**

XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда мусиқа фани ва илмининг ривожига ҳамда намояндалари фаолияти тарихидан..... 154

Н.Комилов

Ватан тараққиёти учун бағишланган умр (Қўқонлик жадид Обиджон Абдуҳолиқ ўғли Маҳмудов ҳақида) 157

М.Болтабоев

Советлар даврида диний конфессияларга бўлган муносабат тарихи 161

С.Юлдашев

VIII–X асрларда Фарғона водийси иқтисодий ҳаётининг араб манбаларида ёритилиши 164

тушибди. Тулкининг ишораси билан чол қоп оғзини боғлабди. Қопни кўтариб ерга уриб, бўрини ҳалок қилибди»[11.Inv. №1862. 6.].

«Илоннинг иши заҳар солмоқ» эртагида ҳам воқеалар худди шу тарзда содир бўлади [8,43-44.] Мазкур эртақлар сюжетида мифологик тасаввурларга асосланган мотивлар мавжуд. Бироқ бу мотивлар эртақлар сюжетида мифлардаги каби ўзига хос мустақил шакл ва мазмунга эга мотив сифатида эмас, балки асосида ижтимоий-маиший муносабатларни ифодаловчи эпизод кўринишида воқе бўлган.Тулкининг функционал ҳаракатларида кўзга ташланадиган жиҳатлар аслида эртақ воқеалари талаби доирасида содир бўлади. Қийин вазиятга тушиб қолган одам бўри (илон)дан қутулиш чорасини қидиради. Аини вазиятда тулкининг одамга дуч келиши тасодифий ҳол сифатида изоҳланади. Бу тасодиф эса сюжет чизигида асосий ва ҳал

қилувчи аҳамият касб этади. Воқеалар тугуни айнан шу ўринда ечилади.Тасодиф натижаси эртақда ижобий хулосани келтириб чиқаради. Ижобий хулосанинг бадиий ифодаси – яхшилик, эзгулик, инсоф ва оқибат каби тарихий илдизлари дуал мифлар билан туташувчи фалсафий тушунчаларни илгари суради.

Хулоса қилиб айтганда, ёрдамчи персонажларнинг функционал хусусиятлари, асосан, етакчи ёки бош қаҳрамонларга ёрдам, кўмак бериш ҳаракатлари билан изоҳланади. Ёрдамчи персонажлар эртақларда ижобий сифатларда талқин этилади. Бироқ мазмунига кўра, персонажлар функцияларининг амал қилиш тартиблари, усуллари ва даражалари ички тур эртақларнинг ўзига хос табиати, хусусияти ва қонуниятига асосланиб воқе бўлади.

Адабиётлар:

1. Пропп В. Я. Морфология сказки. –М.: Наука, 1969.
2. Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Т.: Фан, 2008.
3. Афзалов М.И. Ўзбек халқ эртақлари ҳақида. –Т.: Фан, 1964.
4. Жалолов Ғ. Ўзбек халқ эртақлари поэтикаси. –Т.: Фан, 1976.
5. Аникин В.П. Русская народная сказка.–М.:Учпедгиз,1959.
6. Померанцева Э.В. Русская народная сказка. –М.: Наука, 1963.
7. Сравнительный указатель сюжетов восточно-славянской сказки. Составители: Л.Г.Бараг, И.П.Березовский, –Л.: Наука, 1979.
8. Ўзбек халқ эртақлари. Икки томлик. 1-том. –Т.: Ўздадабийнашр, 1960.
9. Имомов К. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг оралиқ типини // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т., 1991. –№ 2.
10. Мурот Ўроз. Турк асотир (миф)лари//Сирли олам. –Т.,1991. –№6.
11. Фольклор архиви. Инв. №1862.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).

УДК: 8-1/-9+141

ОБРАЗ, БАДИИЙ-ФАЛСАФИЙ НИЯТ ВА ҒОЯВИЙЛИК

ОБРАЗ, ХУДОЖЕСТВЕННО-ФИЛОСОФСКИЙ ЗАМЫСЕЛ И ИДЕЙНОСТЬ

IMAGE, ARTISTIC-PHILOSOPHICAL INTENTION AND IDEOLOGY

Ҳ.Жўраев¹, С.Хўжаев²¹ Ҳ.Жўраев

– ФарДУ, филология фанлари доктори.

² С.Хўжаев

– ФарДУ, адабиётшунослик кафедраси катта ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада ёзувчининг ғоявий-фалсафий, бадиий-эстетик идеалидан келиб чиқиб, салбий ҳисобланувчи ўғри образининг инсоний кечинмалари, маънавий-маърифий жиҳатдан ибратли томонларига урғу берилиши ҳақида сўз юритилади.

Аннотация

В статье, исходя из идейно-философского, художественно-эстетического идеала писателя рассматриваются внутренние переживания и ощущения считающегося отрицательным образом вора. Автор акцентирует внимание на поучительных, морально-просветительских сторонах данного образа.

Annotation

The article deals with the emphasis on the inner emotional and spiritual experience of the image of the thief, which is considered negative, based on the ideological-philosophical, artistic-aesthetic ideal of the writer.

Таянч сўз ва иборалар: образ, идеал, ғоявий-фалсафий ният, бадиий-эстетик таъсир, маънавий-маърифий жиҳат.

Ключевые слова и выражения: образ, идеал, идейно-философский замысел, художественно-эстетическое воздействие, морально-просветительская сторона.

Keywords and expressions: Image, ideal, ideological-philosophical intention, artistic-aesthetic influence, spiritual-enlightenment aspect.

Ўғрилиқ ва тўғрилиқ мавзуси қадим-қадимдан ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин тутиб келган. Жаҳон ва ўзбек адабиёти тарихида ўғри образини яратиб масаласини тадқиқ этишда ўтмиш адабий меросимизга мурожаат қилиш катта аҳамият касб этади. Бу борада халқ оғзаки поэтик ижоди муҳим манбадир.

Халқ достонларида ҳам ўғри образи ва унга бўлган турлича муносабатлар ифодасини кузатишимиз мумкин. Ўғри образи билан боғлиқ воқеалар илдизи аксарият узоқ ўтмишга бориб тақалади. Қадим замонларда яратилган тарих китоблари ва қиссаларда халқ осойишталигига раҳна солган, уларнинг мол-мулкига хатар солган ўғри образини кўплаб учратиш мумкин.

Халқ оғзаки поэтик ижодида ўғриларга бу тарзда нафрат билан қаралганининг сабабларидан бири, уларнинг тарихий тараққиётнинг барча босқичларида жамият ҳаётида қатнашиб келганлигидир.

Халқ эртақларида ўғри образининг характерли қирралари кўпроқ турли урф-

одатлар ва маросимлар фонида очилади. Масалан, “Келинчак ва ўғри” эртагининг сюжети ғоят қизиқарли ва унда мардлик, тантилиқ туйғуларни баъзи ўғриларга ҳам хос эканлиги ифодаланади.

Халқимизда “Туз ҳаққи” деган ибора бор. “Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом”, дейишади. Яхшилиқ қилган одамларга ёмонлик билан жавоб бериш “Тузликқа тупуриш” ибораси билан таърифланади. Ана шу тушунчаларни ўзида мужассамлаштирадиган яна бир халқ эртаги бор. Унга кўра уч ўғри бир бойнинг омборига кириш учун лаҳм кавлайдилар. Улардан бири омборда нималар борлигини билиб чиқиш учун омборга киради. Қоронғида оқариб кўринаётган нарсани шакар деб ўйлаган ўғри уни ялаб кўради. Бу шакар эмас, туз экан. Йигит дарҳол қайтиб чиқади ва шерикларни ҳам ўғирликдан қайтаради. Бунинг сабабини сурашганида, “мен билмасдан бойнинг тузини татиб қўйдим. Энди унинг мол-мулкига кўз олайтириш инсофдан эмас”, дея жавоб беради. Бунга

ўхшаш мисол ва намуналарни яна кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, халқ эртак ва дostonларидаги ўғрилар билан боғлиқ воқеалар, ҳодисалар тасвири ўтмиш аждодларимизнинг маиший ҳаёти, орзу-армонлари ва дунёқарашларини тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Бундай қаҳрамонларни фантастик бўёқлар билан муболағали равишда ифодалаш билан илғор тарбиявий ғоялар ҳам кенг тарғиб қилинган. Энг муҳими, фольклор дурдоналари ёзма адабиётда ўғри образининг кенг миқёсда, ҳар тарафлама тасвирланишига, руҳият қатламларининг бадиий тадқиқ этилишига замин ҳозирлаган.

Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадоний (1247-1318) ўз даврининг буюк қомусий олими бўлган. Асли касби табиблик бўлса-да, тарих ва илоҳиётга оид асарлари унга шуҳрат келтирди. Айниқса, унинг “Жомеъ-ут таворих” китоби кўп асрлардан буён илм аҳлининг қизиқиш ва эътиборига сабаб бўлиб келмоқда. Асардаги адабий парчалар, ривоятлар ҳозирда ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Мазкур асарда бизнинг мавзуимизга тегишли ҳикоят ва ривоятлар ҳам ўрин олган. Улардан бирида айтилишича, ҳамма соқчилар маст бўлиб ухлаб қолганда, бир одам қароргоҳдан олтин қадаҳни ўғирлабди. Қанча қидирсалар ҳам, қадаҳ топилмабди. Ҳоқон шундай амр қилибди: “Жар солинглари: қадаҳни олган одам қайтариб олиб келса, унга шафқат кўрсатилади, сўрагани берилади”. Эртаси кунини ўғри олтин қадаҳни олиб келибди. Ундан “Нега бу қадаҳ беадаблик қилдинг?” деб сўрабдилар. Ўғри “ Оламнинг ҳукмдори ҳоқон жанобларини эҳтиёткорликка чорлаш учун қилган эдим, жаноблари соқчиларга ишонмасинлар”. Ҳоқон бу гапни эшитиб шундай дебди: “Уни авф этамиз, бундай одамни қатл қилиш мумкин эмас.”[2,255]

Алишер Навоий адабий меросида ҳам ўғри образига мурожаат қилинган лавҳа ва ҳикоятлар мавжуд. Чунончи, шоирнинг “Лисон-ут тайр” достонида ўғрилиқда айбланиб, қўли кесилган йигит ҳақидаги ҳикоят бор. Аммо улуғ мутафаккир ва шоир бу ўринда ўз олдига ўғрининг қилмишини қоралаш, ёки ҳакам ва қозиларнинг қарорларини таҳлил қилишни мақсад қилиб қўймаган. Бу ҳикоядаги ғоявий мақсад “Ким табиб – бошидан ўтган табиб” маталига

ўхшаш хулосадан иборат. Гап шундаки, ҳалиги йигит кесилган қўлини соғ қўли билан бағрига босганча, оломон орасидан отилиб чиқиб кетади. Бир қизиқувчан киши ўша йигитнинг ортидан кузатиб боради. Қараса, шаҳар четидаги харобаларда кўплаб қўли кесилган кишилар яшар эканлар. Ҳалиги йигит уларни бағрига босганча фарёд чекади. Бошқа қўли кесилганларнинг ҳам фиғони фалакка чиқиб, йиғлай бошлайдилар.

Навоийнинг “Насойим-ул муҳаббат” асарида эса бир йигитнинг ўғрилиқдан тавба қилиш сабаби ҳикоя қилинади. Машҳур шайхлардан бири ибодат билан машғул бўлиб ўтирганида хужрага тўйнуқ очилиб, бир ўғри кириб келади. Шайх эътибор бермасдан ибодатни давом эттираверади. Ҳалиги ўғри бор бисотни бир катта тугунга жойлаб, тўйнуқдан чиқиб кетмоқчи бўлганида, тўйнуқ торлик қилади. Шунда шайх ўрнидан туриб эшикни очади ва йигитга эшик орқали чиқиб кетиши мумкинлигини айтади. Бундай кутилмаган саховатдан гангиб қолган ўғри шайхнинг оёғига йиқилиб, узр сўрайди ва қилмишларига тавба қилади. Навоийнинг хулосасига кўра, ҳар қандай қабиҳ кимсани ҳам мурувват ва саховат билан тўғри йўлга солиш мумкин.[3,51-131].

Мумтоз анъаналар изидан бориб, замонавий ўзбек адабиётида ҳам ўғри образининг янги-янги қирралари очиб берилган бадиий лавҳалар кўплаб яратилди. Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулум, Абдулла Қаҳҳор сингари таниқли сўз санъаткорлари мазкур образни замон, давр, муҳит фонидан янгиладилар, руҳият ва характер қирраларини очишда маҳорат кўрсатдилар.

Жаҳон адабиёти намуналарида ҳам мавзуга адоқдор жиҳатларни кузатишимиз мумкин. А.П. Чеховнинг “Ёвуз ниятли одам” ҳикояси қаҳрамони Денис Григорьев қармоқтош ўрнида ишлатиш учун темир йўл шпалларини рельсга маҳкамлайдиган гайкани ечиб олади. У одамлар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин бўлган бундай ўғрилиқ учун сургун қилинади. Аммо Денис гайкани ечиб олишнинг нимаси ўғрилиқ эканини барибир тушунмайди: “Қандай қилиб турмага? Ҳечам вақтим йўқ, мен ярмаркага боришим керак... Турмага... нима учун... жиноят қилмаган бўлсам...” [6,187] О.Генрининг “Афсунгарлар тухфаси”

тўпламига кирган новелла ва ҳикоялари орасида “Миршаб ва муножот” деб номланувчи ҳикоя ҳам ўрин олган. Ундаги Сопи образининг кечинмалари тасвири ва ижтимоий-маиший ҳаётга муносабати ўзига хос бўлиб, у инсон ҳаётини бепоён маънавий-ахлоқий муаммолар уммони сифатида таърифлайди, тасвирлайди. Мазкур асар дайди ва ўғри образи руҳиятидаги турли эврилишлар, норозиликлар, исён ва кечинмаларнинг бадиий-фалсафий умумлашмасидир.

“Сопининг қиш режалари у қадар баландпарвоз эмас эди. У жануб осмонини ҳам, Ўрта денгиз бўйлаб саёҳат қилишни ҳам орзу қилмасди. Оролда уч ойгина қамоқда ётса – унинг дили қўмсаган бирдан бир нарса шу эди. Уч ойгина кўнгли хушлайдиган улфатлари орасида *устида муқим бошпана, еб-ичадиган овқати тайин бўлса, Борейнинг эпкени билан миршабларнинг таъқибидан дахлсиз бўлса бас* – Сопига бундан бошқа нарсанинг ҳожати йўқ.” Шунингдек, асарда Сопининг долзарб муаммоларидан бири сифатида унинг руҳиятига бевосита таъсир кўрсатувчи замон ва макон, муҳит ҳамда воқелик масалалари ҳам кўтарилди. “Сопи шаҳар қашшоқларига шафқат юзасидан кўрсатиладиган меҳрибончиликлардан нафратланарди. Унинг фикрича, қонун валинеъматликка қараганда шафқатлироқ эди. Шаҳарда сон минг жамоат ва хусусий хайр-саховат муассасалари бўлиб, улардан ўз камтарона эҳтиёжларига яраша бошпана ва озиқ-овқат олиши мумкин эди. Аммо хайр-саховат эҳсонлари Сопининг *мағрур руҳига малол келарди. Валинеъматларнинг қўлларидан олинган ҳар қандай хайр-эҳсон учун пул билан бўлмаган тақдирда ҳам, хўрлик билан ҳақ қайтариши керак бўлар эди.* Ундан кўра турмани истиқоматгоҳ қилиб олган афзал эмасми?”

Сопи ўз мақсадига эришиш учун кўп бош қотиради. Ресторанга кириб, тўйиб овқатланмоқчи, кейин эса чўнтагида ҳемири йўқлигини айтмоқчи бўлади. Шунда уни олиб кетиш учун миршаблар бир зумда етиб келган бўлишарди. Аммо унинг ирқит кийимидан кимлигини билиб қолган ресторан хизматчилари ичкарига қадам қўйиши биланоқ кўчани кўрсатиб қўйишади.

Турмага тушиш орзусидаги Сопи яна бир неча усулларни қўллаб кўради:

ҳашаматли витринанинг ойнасини тош отиб синдиради. Аммо тез орада етиб келган полисмен хотиржам турган Сопидан шубҳаланмай, бошқа бировни қувиб кетади. Нисбатан арзон бўлган ошхонага кириб, қорни тўйгунча овқатланади. Ҳисоб-китоб қилиниши керак бўлган пайтда чўнтагида бир чақа ҳам йўқлигини айтади. Аммо у кутганидек, ресторан ходимлари полисменни чақириб ўрнига уни ўласи қилиб дўппослаб, кўчага улоқтирадилар.

Кўчада учраган аёлга атайлаб шилқимлик қилиши ҳам кутган натижани бермайди. Аксига олиб, аёлнинг ўзи энгилоёқлардан бўлиб, шунга ўхшаш хушомадни кутиб турган экан. Яқин орада турган полисмен эса уларга қайрилиб ҳам қарамайди.

Ўзини мастликка солиб, бақир-чақир қилиши, овозининг борича қўшиқ айтишини кўриб турган полисменлар уни футбол ишқибозларидан бири деб ўйлайдилар: севган командаси ғолиб чиққан бўлса, хурсандчилик қилаётгандир-да!

Тамаки дўконига турган шамсияни ўғирлаб, унинг эгасини кутиб туради. Мақсад битта: жабрланувчи полисменни чақирса-ю, уни бериб юборса. Аммо шамсия эгасининг ўзи бу матоҳни қаердандир топиб олган экан. Сопини шамсиянинг ҳақиқий эгаси деб ўйлайди, узр сўраб жўнаб қолади.

Новелла сўнггида Сопининг саргузаштлари кутилмаган якун топади.

Ўғри руҳий дунёсидаги эврилишларни бор бўйича кўрсатиш омилларидан бири сифатида новеллада диний эътиқод моҳияти манзараси чизилади.

Муюлишдаги черков олдида келганида ичкаридан “якшанба муножоти” деб номланувчи куй чалинаётганини эшитиб қолади. “Органист чалаётган муножот Сопини чўян панжарага михлаб қўйган, негаки уни илгарилари ҳам – ҳаётида она, гул, дадил режалар, ёр-биродар деганга ўхшаган нарсалари, покиза ўйлари, покиза ёқалари бўлган кезларда ҳам кўп марталаб эшитган эди. Кўҳна черковнинг деразасидан қуйилаётган мусиқа таъсири остида Сопининг қалбида дафъатан ғаройиб бир ўзгариш рўй берди. У ўзи қулаб тушган тагсиз жарни кўриб кўрқиб кетди. Шаънига номуносиб кунлар, пучга чиққан умидлари, маҳв бўлган салоҳияти ва пастарин